# Конституция – эркинлик рамзи

Хар кандай давлат ёхуд жамиятнинг хукукий пойдевори булмоги лозим .Зеро,бундай пойдевор булмас экан жамият,миллат таназзулга юз тутади.

Хуш,хукукий пойдевор кандай яратилади . Якин утмишга назар ташласак, аникроги собик СССР давлати тарихини куриб чикканимизда шу нарсага амин буламизки,бу давлатда хам хукукий пойдевор яратилган эди.Аммо, у кабул килган асосий конун – конституция иттифок таркибига кирган республикаларга уз такдирини узи белгилаш хукукини бермас эди. Барча максадлар ва манфаатлар марказга буйсундирилган эди.Бундан ташкари фукароларга эркинликлар беришни чеклар эди . Фукороларни хукукларидан хам кура купрок мажбуриятлари бор эди .Бундан шу нарса аён буладики ,социалистик тузум уз конституция ва конун хужжатларини халк билан мутлоко хисоблашмай ,унинг фикрини инобатга олмасдан маълум бир сиёсий доиралар томонидан ,маълум бир максадларни кузлаган холда кабул килган .Шуни унутмаслик керакки , хар кандай даврда хам ва хар кандай жамиятда хам давлат манфаатлари халк манфаатларидан устун куйилар экан,бир кунмас бир кун у халкнинг норозилигига ,нафратига ва каршилигига учрайди .Худди шундай социалистик тузум хам халкларнинг буюк каршилигига учради.

Узбекистон мустакилликка эришгандан сунг киска вакт ичида уз миллий хукукий асосларига эга булди . Жумладан, мустакиллигимизнинг мустахкам пойдевори булмиш- конституциямизга эга булдик .1992йил 8 декабрдаги ун иккинчи чакирик Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ун биринчи сессиясида комунистик мафкура саркитларидан мутлоко холи булган , узида халк эрки ва иродасини ифода этган Узбекистон Республикасининг Конституцияси кабул килинди. Албатта ушбу конституция куккисдан , бирданига кабул килингани йук . Унгача булган даврда конституцион комиссия тузилиб ,ушбу комиссия зиммасига хар бир боб ва модда юзасидан чукир тахлил утказиш халк билан хисоблашган холда, унинг фикрларини инобатга олиш, керак булса уларнинг таклифлари асосида лойихалаштириш вазифаси юклатилди. Бу ишларнинг хаммасига шахсан президент Ислом Каримов ва бошка хукумат аъзолари рахбарлик киладилар.Хуллас, асосий конунимиз жамоатчиликнинг кизгин мухокамасидан сунг кабул килинди. Орадан ун уч йил вакт утиб Олий Мажлиснинг икки палатали тизимга утиши муносабати билан 2002йил 27 январда умум халк референдуми утказилди .Референдум натижаларига кура хамда унинг асосида кабул килинган 2003йил 24 апрелдаги Узбекистон Республикасининг конунига мувофик Конституциянинг XVIII,XIX,XX,XXIII бобларига тузатиш ва кушимчалар киритилди, ва умумжахон стандартларига тула мос келувчи узининг мукаммал нусхасига эга булди.Конституциямизнинг мукаддимасида куйидаги сузлар ёзилган:

Узбекистон халки :

-инсон хукукларига ва давлат суверенитети гояларига содиклигини тантанали равишда эълон килиб, хозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган холда, узбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садокатини намоён килиб, халкаро хукукнинг умум эътироф этилган коидалари устунлигини тан олган холда ,республика фукороларининг муносиб хаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик хукукий давлат барпо этишни кузлаб, фукаролар тичлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш максадида, узининг мухтор вакиллари сиймосида Узбекистон Республикасининг маскур Конституциясини кабул килади.

Хулоса урнида шуни айтиш керакки ,Конституциямиз бизга сиёсий, иктисодий, маданий ,маърифий,маънавий,ва ижтимоий сохаларда кенг хукук ва имкониятлар берди. Умуман хаётда эркин яшаш ва эркин харакат килиш тушунчаларини сингдириб,том маънода эркинлик рамзига айланди.